



# МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№22 (52) 30.05.2019 йил

Халқ билан мулокот

## “Конференция илмий салоҳиятимизни кўрсатиб беради”



Юртимизда бугун санъат ва маданият соҳасида килинётган ижобий янгиликлар жуда кўп. Айниқса, Президентимиз илгари сурган бешта ташаббус ижроси бўйича килинётган ишлар хар бир ҳудудда ўз самарасини бериб, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, иқтидорини намоён этиши, ўз кизиқиши бўйича санъатнинг бирон ту-

ри билан шугулланиш имкони яратилётгани куонарли. Соҳада амалга оширилаётгандан би ишлар ҳақида вазирлик сайти ва газетамизда ҳам мунтазам хабарлар бериб борилмоқда. Куни кечак маданият вазири Б. Сайфуллаевнинг ижтимоий тармокда ёзиг қолдирган фикри ана шу ёшларнинг яна бир қисмини ўзида биакс эттирган.

“Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ўкув жараёнин ҳамда ойли таълим муассасасининг фаолиятини таҳлил қилиши мақсадида, куни кечак институтга ташриф буюордик. Ташриф давомида Халқ ижодиёти факультети миллий қўшикчилик ҳамда фольклор ва этнография ўйнашуви ўқитувчи-профессорлари билан учрашидик.

Давоми 2-саҳифада >>



Маданият ва санъат институтида

## Талабалар мультфильм яратишмоқда

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ўқитувчилари ва бир гурӯх талаба ёшлари “Зумрад ва Қиммат” мультфильмини янги талқинда яратишмоқда. Бу ҳақида батафсил маълумот олиш мақсадида таълим даргоҳида бўлдик. Биз гоя муаллифи ва жамоа раҳбари, овоз режиссёрги ва операторлик маҳорати кафедраси мудири Иқбод Меликзўев ҳамроҳлиги жараён билан яқиндан танишдик. Дарвоҷе, институтда 2015 йилда анимация йўналиши бўлими очилган эди.

— Анимация йўналишида 70 талаба таҳсил олади. Биз учун кейинги икки йилдан бўён инновацион давр бошланди, — деди И. Меликзўев. — Юртбошимизнинг таълим ва кинематография соҳасини ривожлантиргиз қаратаётган эътибори, яратилган шарт-шароитлар, берилган имкониятдан фойдаланиб соҳага доир дунё тажрибаси билан ҳам қизиқа бошладик. С. А. Герасимов номидаги Бутунросия кинематографийи давлат институтининг марказини одик ва у кейинги йилдан фаолиятни бошлайди. Корениннинг медиа ва санъат йўналишидаги институти билан ҳамкорликни йўлга кўйдик. Аниматорларимизнинг малакасини ошириш учун институтимизга Франциянинг кинематография бўйича вакилии келди. У билан ёшларимиз олган мультфильмлар-

нинг Канн ижодий фестивалида иштироқи бўйича ҳам музоқаралар олиб бордик.

Иқбод акадан “Зумрад ва Қиммат” мультфильмининг янги талқини ҳақида сўрганимизда, бизни павильон томон бошлади ва жараён билан танишидиди.

— Бугун дунёда интернет ва китоб мутаносибиятни таъминлаш, яъни интэрнетни ўз вақтида ишлатиш, китоб ўқишини тарғиб килиш муаммоси кун тартибида турибди. Ўзбекистонда “Зумрад ва Қиммат” мультфильми илк бор ўтган асрнинг 60-70-йилларидан яратилган. Биз esa бугун талабаларимиз билан шу мультфильмни инновацион усуслада яратишга бел боғладик.

“Зумрад ва Қиммат” мультфильмини 3D форматда олиш учун маҳсус кўғирчоқлар керак бўлади. Бизга бо-

рада япониялик мутахассис Сейко Вазаки ёрдам берди. Биз Япониядаги кўғирчоқ ишлаб чиқардиган заводга 26 сантиметри махсус кўғирчоқлар тайёрлаб бериши учун буюртма бердик. Улар 6 та кўғирчоқни бир ойда тайёрлаб, почта орқали жўнатишди. Бугун мультфильм учун маҳсус декорациямизнинг 50 фоизи тайёр. Уни талабаларнинг ўзлари ясасди.

### РАҲБАРИЯТ ҲАМ ЁРДАМГА ЕНГ ШИМАРГАН

— Институтимиз тарихида биринчи бўлиб талабалар павильон яратишди, улар янги спектакллар олишмокчи, — деди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Иброҳим Йўлдошев. — Бугунги кунда анимация учун асосий зарурат техник воситалар бўлиб, улар ҳар ой,

Ушбу сонда

### Дўстликни таърифловчи экспозиция



8-саҳифада >>

### Пресс-тур таассуротлари: Тарих — бизнинг юзимиз



5-саҳифада >>

### Таклиф: Музейларда дарс ўтилса...

Глобаллашув шундай шиддатли жараёнки, ундан ўзини иҳоталаган, четга тортган миллат ёки давлат бунинг уддасидан чиқолмайди, бундай уринишлар миллий ривожланиш йўлида улкан ижтимоий оқибатлар келтириб чиқариши мукарар.

3-саҳифада >>

Йилда ўзгаришда, ривожланишда. Биз ҳам қўлимидан келганча талабалар учун имкониятлар, техник воситалар ажратяпмиз. Улар шуўкув хоналаридан ҳоҳлаган вақтда фойдаланиши мумкин. Тонг-саҳарда келиб ярим кечагача ишлайди, уларга тақиқ йўк, фақат ижод ва ижод.

Мана шу ижод самарадорлиги билан боғлиқ яна бир муҳим гапни айтасам бўлмайди. Президентимиз ташаббуси билан тест синовлари ўнинг ижодий имтиҳонлар бўляти. Ижодий имтиҳонлар орқали биз ўзида истеъоди бор, шусоҳага лаёқатли ёшларни танлаб олишга эриди. Ҳатто шу йўналишда йиллар давомида ўкишга киролмаган, Ҳиндистоннинг Болливуд компаниясида анимация бўйича ишлаган талабалар бугун институтимизда биринчи босқичда ўқияти.

Давоми 2-саҳифада >>



» Адабий кечада

**Адиблар  
ёдга  
олинди**

Андижон шаҳар махсус кўзи ожизлар Маданият маркази, Андижон вилоят ва шаҳар кўзи ожизлар кутубхонаси билан ҳамкорликда Турсуной Содикова хотирасига бағишиланган "Эл дардини кўйлаган адаби" мавзусидаги адабий мусиқали кечада Чустий таваллудининг 115 йиллиги муносабати билан кўрик-танлов

үтказилди.

Тадбирда шоиранинг шеърларидан намуналар ўқилди, улар асосида кўйланган кўшиклар ижро этилди. Кўтаринки руҳда ўтган кечада Чустий икодига бағишиланган кўрик-танловга уланини кетди. Унда иштирокчилар – Кундузхон Азизова, Достонбек Абдукаххоровлар гонли деб топилиб, эсадлик

совғалари билан тақдирланди. Танловнинг якуний қисмидаги Бўз туманидаги 3-умумтаълим мактаби мусика ўқитувчиси Мавлонбек Мамажонов томонидан шоир кўшикларига басталанган кўшиклар ижро этилди.

**Ойдиной РИЗАЕВА,**  
Андижон вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси ходими



«Давоми. Боши 1-саҳифада

## “Конференция илмий салоҳиятимизни кўрсатиб беради”



Учрашув давомида мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган шилар хусусида фикр алмашдик.

Юртимизда кейинги йилларда санъат ва маданият ўйналишларида турли фестиваллар ташкил этилмоқда, уларнинг соҳа ривожидаги ўрни, миллий санъатимизни қайта жонланишидаги аҳамияти алоҳидаги ёзтиборга лойиқ. Президентимиз ташаббуслари билан Кўкён шаҳрида Ҳалқаро ҳунармандшилик фестивали ўтказилиши белгиланган, фестиваль доирасида 10-15 сентябрь кунларига “Хунармандчилик ва ҳалъ амалий санъатини ривожлантириши истиқболлари” мавзусида илмий-амалий конференция ўтказиласди. Мазкур конференция бу борадаги илмий салоҳиятимиз қай даражада эканлигини кўрсатиб берниши турган гап. Шундай экан, институтдаги бу ўйналишда амалга оширилаётган шиларни бор бўй-басти билан кўрсатишимиш лозим. Бунда албатто профессор ўқитувчилар ҳамда соҳа мутахассислари, иктидорли талабалар томонидан ёзиладиган илмий мақолалар ва амалий чиқшиларнинг ўрни бекиёс”.

» Хисобот концерти

## “Хайр, мактабим”



26 май куни Самарқанд шаҳридаги 6-боялар мусиқа ва санъат мактабида ўкув йилининг мувафқиятияти якунланганни муносабати билан “Битирувчи-2019” деб номланган хисобот концерти бўлиб ўтди.



Концертда мактабнинг 12 та йўналиш бўйича таълим олаётган ўқувчилари ва ўқитувчилари иштирок этдилар. Улар ижросида янграган “Сўнгиги кўнғироқ”, “Ўзбекистон”, “Ватан” каби кўшиклар битирувчи-ларга бағишиланган “Хайр, мактабим” таронасига уланиб кетди.

Тадбирга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Қайтаров ҳам ўз кўшиклари билан файз кириди. Концерт ота-оналар ва меҳмонларга яхши кайфият улашди.

Р.ФАРМОНОВА, 6-БМСМ ўқитувчisi

«Давоми. Боши 1-саҳифада

## Талабалар мультфильм яратишмоқда

**ЯНГИ ТАЛҚИНДАГИ  
“ЗУМРАД ВА КИММАТ”  
НИМАСИ БИЛАН  
ФАРҚЛАНАДИ?**

- Замонавий “Зумрад ва Киммат”да воқеалар ривожини бироз ўзгартирилди, – деди И.Меликўзинев. 12 дақиқалук мультфильм тўлиқ шаклдаги олинади, лекин воқеаларда ўзгартиришлар



мавжуд. Қаҳрамонимиз Зумрад жуда ақлли, уй ишларини қиласди, касб-хунар эгаси, кўп китоб ўқиди, Киммат эса аксинча. Асл вариантда мультфильм охирида Киммат ва онаси ёвулиларни учун сандиқчага тушади, бизнинг талкинда эса улар озод этилади. Янни якунни эзгуликка йўналтирилди ва охирида уларни “кечирдик”. Киммат ва онаси яхши томонга ўзгаради ва биргаликда китоб ўқиди, шутариқа мультфильм яхшилик билан тутгайди.

**ТАЛАБАЛАР “НЕГА ЎЗ ТАРИХИМИЗ УСТИДАН КУЛИШИМИЗ КЕРАК?”  
ДЕЙИШДИ**

– ўшпаримизда ватанга муҳаббат хиссиси кучлилигини талабалар билан ишлаш жараёнди яна бир бор кузатдим, – деди И.Меликўзинев. – Одатда биз мультфильмларимизда қаҳрамонларимизни карикатура килиб кўярдик. Бой бўлса, кулоги, бурни, корни катта. Нима, ота-бо-

борларимизнинг ташки кўриниши шунака кулгили бўлганими? “Нега ўз тарихимизнинг устидан кулишимиз керак?” дейишиб, норозиллик билдиришиди. Улар “Бизнинг ота-боболаримиз навқирон, гўзал бўлишган”, деган адолатли фикрни илгари сурishgandan, рости, хурсанд бўлдим. Талабалар худди чет элдагидек, актёр ва актри-

вация, касбга бўлган кизиқишини уйғота олдик. Баъзан биргаликда институтда тонг-саҳаргача қолиб, foяларимиз устидаги ишлаймиз. Ҳозир бирварақайига 5 та лойиҳани бошлаб юбордик. Улар орасида яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги 3D форматдаги “Ўсимлик”, “Ошхона” каби анимация фильмларимиз бор.



### МУАММОЛАР ҲАМ ТАЛАЙГИНА

– Ўзбекистонда анимация бўйича замонавий талабларга жавоб берга оладиган мутахассислар баромк билан санарави, – деди И.Меликўзинев. – Борларинг ҳам кўпчилиги хорижда, яхши шароит ва машина ишламоқда. Тўғри, мутахассислар бор, лекин уларнинг аксарияти замонавий технология билан ишламайди. Ўзим ҳам кинооператор, кинорежиссерман. Тўғриси, аниматор эмасман. Албатта, бу соҳани ривожлантириш, кадрлар сифатини ошириш учун маблаг керак. Биз талабаларимизнинг тажрибасини янада ошириш максадида 2020-2021 ўкув йилида уларнинг хорижда малака оширишини йўлга кўймоқчимиз.

**Инобат АҲАТОВА,  
Суратлар муаллифи –  
Оқил ГУЛОМОВ.  
ЎзАдан қисқартириб  
олинди**

» Ҳалқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

## “Биз биргамиз!”

1 июнь – Ҳалқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 29 майдан Андижон вилояти ҳокимлиги, аддия бошқармаси, ҳалқ таълими бошқармаси ҳамда Андижон вилояти кўғирчоқ театри ҳамкорлигига ногиронлиги бўлган фуқаролар иштирокчилари “Биз биргамиз!” шири остида ижтимоий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Тадбирда қатнашчиларга ташкилотлар томонидан эсадлик совсалири топширилди. Андижон вилояти кўғирчоқ театри ижодий жамоаси эса лойиҳа иштирокчиларига “Турна пати” спектаклини намойиш этишиди.

Байрамона лойиҳа 1 июня қадар давом этади.

» Музејлар фаoliyatiдан

## “Ичан қалъа” илк бор “Интермузей” ҳалқаро фестивалида қатнашади

Москва шаҳрида 30 май – 2 июнь кунлари “Интермузей-2019” ҳалқаро фестивали бўлиб ўтади. Унда “Ичан қалъа” музеј-кўриқхонаси илк бор ўзининг Smart-музеји билан иштирок этади. Мазкур тадбир Москва шаҳрида “Манеж” Марказий кўргазмалар залида ўтказиласди.

“Интермузей” ҳалқаро фестивали экспозиция кисми, бизнес ва маданий дастурлар, шунингдек, иштирокчи музејлар ўтасида кўрик-танловлардан иборат.



## » Фестиваль

**“Ватанимни күйлайман!”**

23 май куни Андикон вилюти Хўжаобод туманида “Ватанимни күйлайман!” шиори остида мусиқа фестивали бўлиб ўтди.

Президентимиз илгари сурган беш ташаббус ва вилюят ҳокими тасдиқлаган “Йўлхаритаси”га асосан ташкил этилган мазкур тадбирда

вилоятдаги барча истеъоддли ёшлар иштирок этдилар. Жумладан, дамли ва зарбли торли чолгулар ижросидаги кўйлар, анъанавий ҳамда эстрада йўналишидаги кўшиқлар барчага манзур бўлди.

Фестиваль доирасида туман халқ таълими бўлими

тасарруфидаги умумтаълим мактабларига вилоят ҳокими томонидан қўймати 60 миллион сўмлик 140 дона миллӣ чолғу асбоби совга қилинди. Тадбирда фаол катнашган ёшлар эса туман ҳокимининг фахрий ёрлифи ва қимматбаҳо совгалар билан тақдирландилар.



## » Таклиф

**Музейда дарс ўтилса...**

Инсоният тарихи икки даврга бўлинади: локал ва глобал давр. Турфа маданият, тамаддуналараро мустаҳкам чегара, улар ҳақида чекланган ахборот ва шу ахборот асосида шаклланган субмаданиятлар борасидаги тор тасаввурлар локал даврга хослини ифода этса, улкан ахборот макони, маданий бир хиллик, тамаддуналараро муносабатга кириш: миллатлар ўтасидаги миллий мансублик ҳад-чегараси бузилиб, дунё учун ягона маданий платформанинг вужудга келиши глобал даврга хослини ифода этади.

Бугун локал давр ўз умренинни юшади. Дунё глобал давр учун ўз эшикларини очмоқда. Глобаллашув шундай шиддатли жараёнки, ундан ўзини ихоталаган, четга тортган миллиат ёки давлат бунинг уддасидан чиқолмайди, бундай уринишлар миллий ривожланиш ўйнида улкан ижтимоий оқибатлар келтириб чиқариши муқаррар. Фақат бу жараёнда ўзликни сақлаб колиши, инсоният тамаддунида миллиат сифатида яшаб қолиши устувор ва бирламчи вазифадир. Бу вазифани том маънода музейлар амалга оширади.

Айнан миллий мағкуруни шаклантурвич асосий маңба ҳам музейлардир. Зеро, музейларга кўйилган ҳар бир экспонат ўз тарихига эта, у ўтмишининг қайсицир даварни тафаккур нури билан ёртиб беради.

Мамлакатимиздаги очиқ осмон остидаги меъморий ёдгорликлар, жумладан, кўхна Бухоро, Самарқанд, Хива, Шахрисабз, Кўкон каби буюк тарихий шаҳарлар, буюк алломаларимиз Имол Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад Яссавий хотираси шарафига бунёд этилган ёдгорликлар, ўзбек халқининг шонли тарихини ўзининг бунёдкорлик, шаҳарсозлиги ишлари билан абадийликка даҳлдор этган Амир Темур ва Темурийлар сулоласининг ўтмиша қилган ишларини бугун биз ўқибигина қолмай кўриб, идрок эташиб, унга баҳо бера олиши имкониятига эгамиз. Шунингдек, буюк алломаларимизнинг тарихий-илмий ишларидан ҳам музей орқалигина кўпроқ маълумотга эташиб, унга бўла оламиз. Машаққатли, оғир ва ниҳоятда ибратли бўлган тарихга нигоҳ ташлаш кишини ўйга толдиради, фикр юритига мажбур қиласди, мулоҳазага чорлайди. Ёшларимизда ўйқолиб бораётган ана шу жиҳат, фикр юритиш, мулоҳаза қилиш каби кўнкималар

табиий равишида ривожланади. Бу холат гоявий мушоҳадани, ундан сўнг мағкуравий тизимни таркиб топтиради.

Маълумки, ҳар қандай мағкура муайян мақсадларга хизмат килади. Миллий мағкура эса жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг ҳаракат дастури демакдир. Мағкурасиз жамият ҳам, давлат ҳам йўқлика маҳкум. Бугун биз, жамиятнинг авангарди бўлган ёзилилар, ўқитувчи педагоглар, колаверса, ота-оналар олдида турган потенциал таҳдид ва реал ҳафъ, бу – биз таълим берётган, биз тарбиялаётган фарзандларимиз ўзлигини, кимлигини, келиб чиқиш илдизлари қаерга бориб тақалади-ю, кимларнинг авлоди, давомчиси эканлигини билмаслиги, идрок эта олмаслигидир. Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда “... ўзининг ким эканини, қайси уруғ-аймоддан эканини, ўтмишини, ота-онасини бутунлай ёддан чиқарган, ўзининг одамлигини ҳам унутиб юборган кул МАНҚУРТ”ларга айлантириб кўймаслик учун бугун, ҳозирданок бўхавфи бартараф этиш тадоригигини кўрмоқ лозим.

Шунинг учун бошлангич синфлардаги атрофимиздаги олам, география, тархи каби дарсларни мавзу хронологиясидан келиб чиқиб, бир ойда бир марта дарсни амалий соат тарзида бевосита таълим муассасасига яқин музейда ўтказишни тақлиф қилган бўлардим. Мактаб мавзумияти интенсив тарзда ҳар ойнинг қайсицир санасини “Музейга саёҳат”, “Музей экскурсияси” куни килиб белгилаб, белгиланган кунлари ўқувчиларнинг музейга боришлиарини таъминласа, йил якунидаги музейга энг кўп ташриф бўюрган мактаб ўқувчилари жамоасини “Музей фахрий меҳмон жамоаси” мақоми билан тақдирлаши, бу мақом учун ҳар йили худудлардаги

таълим муассасалари ўтасида беллашув-эстафетасини жорий қилиши мумкин. Шунингдек,

- мактаб ёшидаги ўқувчилар ўтасида, таълим муассасасигаяқин музейдаги экспонатлар тўғрисида энг кўп маълумотта эга ўқувчилар учун “музей билимдони”, “музей аълоҳиси”, “энг ёш гид” каби мотиватив характердаги мақом учун беллашувлар ташкил этиш, беллашув галибларини маҳаллий ОАВда ўзлон килиб бориш;

- ёшларда ўзи яшаб турган худудга, шаҳар-туман, маҳаллага эга хиссini шакллантириш мақсадиди вилоят, шаҳар, туман музейларида ички имкониятларидан келиб чиқиб, музей учун эсдалии топширишни уштириш, уни муалиф номи билан, масалада: “Ахбор Абдуллаевнинг эсдалииги: XX асрнинг 90-йилларида магнителефон” тарзида номлаш ва ташриф бўюрчиларга танишириш амалиётни ўйла кўйиши;

- музей илмий ходимларининг танлов асосида таълим муассасаларида энг камиди ойига бир марта очик дарслар ўтиши, дарс мавзуси ўқувчиларни кизиқшларидан келиб чиқиб танланишини хисобга олиш болаларда тарихга бўлган кизиқшнини кучайтиради. Бу ишлар мустақил дунёқарашга эга бўлган, миллий ифтихор туйгуси билан йўғрилган, ҳур фикр, ўзининг муайян фуқаролиг позициясини англаган ва эгаллаган, яратувчанлик ва бунёдкорликка ташна, воқеликка даҳлдорлик хисси шаклланган ёш авлодни камол топтиришга эришишдек залворли, шунинг баробарида ижтимоий заруратга айланган ватанпарвар ўшларни жамиятга тайёрлаб беришини кўзда тутади. Бу халқимизнинг, колаверса, мамлакатимизнинг эртанинг келажаги кафолати демакдир.

**Махмудхон ДОВИДХОНОВ**

## » Ҳамкорлик

**Самарқандлик ижодкорлар сафарда**

Жорий йилнинг апрель ойида Чимкент давлат ўзбек театри Самарқандга ижодий сафар уюштирган ва Самарқанд вилюят мусиқали драма театри жамоасини Козогистонга таклиф этишганди. Ушбу таклифа биноан Самарқанд вилюят мусиқали драма театри жамоаси 20-24 май кунлари Козогистоннинг Чимкент, Сайрам, Туркистон шаҳарларида ижодий сафарда бўлишиди.

Ижодий жамоа дастлаб Чимкент ва Сайрамда жойлашган Абдулазиз Балогардон, Иброҳим ота, Корасоч, Сайид Хўжа ва бошқа қадамжоларни зиёрат қилишиди. Таширифнинг иккинчи куниде эса меҳмон актёrlар Сайрам шаҳар ўзбек драма театрида Холиқ Ҳурсандовнинг “Бир ўлиб кўрай-чи” комедиясини қозогистонлик томошабинлар ҳукмига ҳавола этишиди. Спектаклдан сўнг Козогистон ўзбеклари этномаданият жамоат бирлашмалари радиси Икромхон Ҳошимхонов сўзга чиқиб, Самарқанд театри жамоаси ва Самарқанд



делегациясига ташриф учун ташаккур айтиб, ўзбек ва қозоқ ҳалклари ўтасидаги дўстона алоқаларнинг ривожланишида кўшайтган хиссаси учун Самарқанд вилюят ҳокимлигига миннатдорчиллик билдири. Шунингдек, Самарқанд вилюят мусиқали драма театри директори Камолиддин Коржовов Козогистон ўзбеклари этномаданият бирлашмаларининг “Дўстлик” мемалия билан тақдирланди.



22 май куни театр жамоаси Туркистон шаҳрида бўйлаб, табарруқ қадамжо – Ахмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилиди.

Шу куни Туркистон театрида “Бир ўлиб кўрай-чи” спектакли намойиш этилди. Туркистонликлар ушбу комедияни олқишилар билан тақдирланди.

» Тадбир

## “Адабий дўстлик – абадий дўстлик”



» 2019 йил – МДХда “Китоб йили”

## Ҳамкорликнинг янги йўналиши



14-16 май кунлари Туркманистон Республикасининг Ашхобод шаҳрида “Ҳамкорликнинг умумий гуманитар худуди: маданият, фан ва таълим соҳасида мулокот” мавзусида МДХ давлатлари ижодкор ва зиёлиларининг форуми бўлиб ўтгани хабар қилинган эди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон делегацияси Туркманистон давлат маданият маркази қошибади давлат миллий кутубхонасига ўзбек ношилари томонидан чоп этилган китоблар жамланасини совфа қилди.

— “2019 йил – МДХда “Китоб йили” мавзусида ўтказилган мунонзарада мен Ўзбекистонда мутолаа маданиятини юксалтириш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимиш ишлар ташкил этилгани, ёшларнинг эртаниги истиқболи маънавиятимиз ривожи учун хизмат қуловчи бешта муҳим ташаббуснинг амалиётга татбиқ этилаётгани ҳақида маъруза қилдим, — дейди “Ўзбекистон” НМИУ директор ўринbosari M.Бўронов. — Юртимизда ёшлар билан ишлашдаги инновацион ёндашувлар Форум қатнашчиларида катта қизиқиш ўйғотди.

Форум давомида таклифлар асосида МДХ давлатлари миллий аньналари, тили, маданияти, тарихини чукур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, қадимий ёдгорликларни қайта таъмирлаш, санъат, маданият, фан-таълим соҳаларида ўзаро ҳамкорликнинг янги йўналишини ўзида ифода этувчи Резолюция қабул қилинди.

**Назокат ЮСУФЖОНОВА,**  
“Ўзбекистон” НМИУ матбуот  
котиби

22 май куни Андижон вилояти Хўжаобод туманинда 9-боловлар мусиқа ва санъат мактабида “Адабий дўстлик – абадий дўстлик” мавзусида кеча бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон ёзувчilar уюшмаси вакили Рисолат Хайдарова, “Шарқ юлдузи” журнали бош муҳаррири Соҳиба Шокирова, кирғиз ёзувчisi Мамат Ибрагимлар ишти-

дин Рауф, шоирлар – Азиз Сайд, Ориф Тўхташлар билан бирга Кирғизистон миллий ёзувчilar уюшмаси ўш бўлими раиси Тўравой Жўраев, тарихчи ёзувчи Бекжон Аҳмедов, шоир ва таржимон Охун Жўра, “Ўш садоси” газетасининг бош муҳаррири Соҳиба Шокирова, кирғиз ёзувчisi Мамат Ибрагимлар ишти-

рок этдилар.

Адабий кечада кирғизистонлик ёзувчilar Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуфнинг қирғиз тилида чоп этилган сайланмасини тақдим этишиди.

**Хуршидбек ЮНУСОВ,**  
Хўжаобод туман маданияти  
бўлими раҳбари

» Эътибор

## Ғолиблар тақдирланди

27 май куни Ўзбекистон давлат консерваториясида “Музей – халқ тарихининг кўзгуси” республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ушбу тадбир кўп йиллар давомида соҳада самарали фаолият кўрсатиб келаётган фаол ҳамда иқтидорли ходимларни муносиб тақдирлаш максадида ташкил этилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаев сўз олиб, музейлар мамлакатнинг маданий қиёфасини кашф этиш ҳамда ўзликни намоён қилишда кўзгу эканини таъкидлади. Шундан сўнг “Музей – халқ тарихининг кўзгуси” Республика кўрик-танловининг йилининг энг яхши музей, энг фаол музей раҳбари, иммий ходими, музей жонкуяри каби турли йўналишлари бўйича фаол ходимларга маҳсус диплом, қимматбаҳо совфа ҳамда эсадаликлар топширилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият вазири ўринbosari K.Акилова ҳам бир қатор музей ходимларини фаҳрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

Тадбир якунида Ўзбекистон давлат консерваториясининг профессор-ўқитувчилари ва талаба ёшлари томонидан концерт намойиш қилинди.

» Анжуман

## ОАВ: ўзгариш вақти келди



28 май куни пойтахтдаги “Hyatt Regency” меҳмонхонасида Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан “ОАВ соҳасида миллий қонунчиликни янада тақомиллаштиришнинг долзарб масалалари” мавзусида республика анжумани ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилиши зарур. Бу – замон талаби, ислоҳотларимиз талаби”, деб билдириган фикрлари асосида амалий ишларга кўлуримоқда. АОКА раҳбари Комил Алламажонов бошчилигида ўтказилган анжуманинг бош мавзуси ҳам айнан ОАВни амалда ислоҳ қилиши масалаларига бағишиланди. Ўнда кўплаб ўзбекистонлик ва чет эллик ОАВ вакиллари, блогерлар, халқаро нодавлат ташкилотлар, конун ижодкорлари, мутасадди ташкилот раҳбарлари ва Ўзбекистондаги қатор элчиноналар

вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистонда фаолият юритаётган барча журналистлар учун ҳар томонлама кулаги кратиш, уларнинг хавфисизлигини таъминлаш, вазирлик, ҳокимлик ва бошقا шу каби ташкилотларда ишлаб келаётган матбуот котибларининг мавзеи ҳамда унга ёрдам берувчи ходимлар сонини ошириш, ахборот олиш, узатиш ва алмашишда холислик тайобиллари га жиддий амал қилиш, уларга яхши ҳақ тўлаш, тезкор ва аниқ бажарилган ишлари учун моддий рағбатлар кўламини кенгайтириш, журналистлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини

ривожлантириш ҳамда бундаги ўзаро ҳаракатлар мувофиқлигини таъминлаш каби масалалар юзасидан маърузлар тингланди, ўзаро фикр алмашилди, тақиғатлар ўртага ташланди.

Шунингдек, журналистлар фаолиятига бағишлидан қонунчиликдаги ҳужжат матнида айрим ноаниқ изоҳларни қайта кўриб чиқиши ҳам муҳокама марказида бўлди. Анжуман Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини том маънода жиддий ислоҳ қилиш устидаги қизғин муҳокамалар билан ўтди.

**Абдуқодир МўМИНОВ,**  
муаллиф олган суратлар

» Ҳалқаро фестиваль



## Ўзбек театри “SAMGAU”да қатнашади

Ўзбекистон давлат драма театри жамоаси Қозоғистон Республикаси Нурслтон шаҳрида 10-16 июнь кунлари ўтказиладиган “SAMGAU” ҳалқаро театр фестивалига маҳсус комиссия тавсиясига биноан таклиф этилган.

Фестивалда театр ижодий жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, театрнинг бош режиссёри Олимжон Салимов томонидан саҳналаштирилган К.Гольдонининг “Икки бойга бир малай” асари асосидаги “Труффальдино – икки бойнинг малай” спектакли билан иштирок этади.

Шунингдек, ушбу театр жамоаси Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида ўтказиладиган “Сени куйлаймиз, замондош!” деб номланган Ўзбекистон театрларининг V Республика кўрик-фестивалида ҳам қатнашади. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилари томонидан ўтказиладиган мазкур фестивалда жамоа драматург Шароф Бошбековининг “Ер барибир айланаверади” спектаклини намойиш этади.



Хайрли иш

## “Чигатой”да устозлар хотирланди



Муборак рамазон кунларида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчи ва талабалари 26 май куни пойтахтнинг Шайхонтохур туманидаги “Чигатой” қабристонини зиёд килишид.

Театр санъати факультети ўқитувчилари – Тे-

мур Рашидов ва Шавкат Ралсолов раҳбарлигидаги амалга оширилган ушбу зиёрат давомида Ўзбек миллий театри, кино санъати ва маданиятига улкан ҳисса кўшган буюк сиймолар – Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурхонов, Наби Раҳимов, Мамажон Раҳмонов,

Шухрат Аббосов, Яира Абдуллаева каби буюк ижодкорлар хотирланди, уларнинг қабрлари атрофи тозаланиб, ободонлаширилди.

**И.ЖУМАНОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Пресс-турдан сўнг

20-21 май кунлари Маданият вазирлиги ҳамда Коракалпогистон Республикаси бўйича маданий мерос объектарини муҳофаза килиш ва улардан фойдаланиш минтақавий давлат инспекцияси хамкорлигидаги Коракалпогистон Республикаси маданий мерос объектарига пресс-тур уюштирилди.

# Тарих – бизнинг юзимиз

Ўндан ортиқ оммавий ахборот воситалари ходимлари инспекция раҳбари Куанишбек Шарипов ҳамроҳлигидаги 8 та манзил – Чиллик-қалъа, Тупроқ-қалъа, Аёз-қалъа, Мўйинок кемалар қабристони, Гауир-қалъа, “Миздакхан” комплекси, Мўйинок Экология ва И.Савицкий музей-ларида бўлишид.

Дастлабки манзилимиз Чиллик қалъаси бўлди. Таридан маълумки, зардустийликда мархумни ерга кўмиш оловда ёқин, сувга оқизиш мумкин бўлмаган. Яъни улар табииатни тоза-озода сақлаб қолиш учун майитни одамлардан узоқ бўлган қир-адир, тоғ тепалигидага қолдиришган. Маълум бир вақтдан сўнг эса майит қолдиқлари махсус сукандонларга солиниб, дифи этилган...

Чиллик қалъа деворларининг баландлиги 15 метр, диаметри 65 метрни ташкил этади. Минора ичида катта-катта тошлар устида, очик осмон остидаги мазкур жода юкорида тилга олинган маросим бажарилган. Кейинчалик Хоразмшохлар даврида ушбу қалъадан хабар етказилишга шу мудофаа минораси сифатида ҳам фойдаланилган.

Тарихий қалъада кўплаб чет эллик саёҳларга ҳам дуч келдик.

Улар мазкур жой ҳақида

интернет сайтлари ва тарихга оид китоблардан маълумотлар, ўзишгани, кейин эса қалъани ўз кўз билан кўриш учун келишганини айтиши. ОАВ вакилларига ҳамроҳ бўлган ҳудудий бошқарув вакиллари – Амударё тумани ҳокимлигининг иккита нафар мутасаддиси тарихий ёдгорликнинг янги кўриниши бўйича лойиҳа ишланётганини маълум қилди. Уларнинг айтишича, келгусида қалъа атрофидаги хунармандлар ўтова тикилади, Чиллик қалъа кўтарилишучун маҳсус зинапоялар курилиши ва автотурагоҳлар барпо этилиши – лойиҳанинг асосий қисмларидан бири. Бу ишлар

эса келгуси йил баҳор фаслидан амалга оширилади.

Пресс-турнинг иккичи кундаги манзилимиз Мўйинок – Орол саҳроси бўлди. “Денгиз”га етмасдан йўлимизда учраган кўлда эса бир неча йиллардан бўён кўринмай қолган оқкушларга кўзимиз тушди. Чиндан ҳам бу ерда ОАВда бир неча марта боңг урилганидек, фақат саҳрораги кум ва унда ўсадиган ўсимликлар, умри якун топган кемалар қабристонини кўрдик, холос. Денгиз саҳросида ўнтача кема ҳудди ўтмишини хотирлаётгандек бир-бирига ёнма-ён турибди...

Денгиз куриди, аммо ҳаёт тўхтаб колгани йўқ. Айниқса, Мўйинокда! Бугун ва ерда бўлаётган ўзгаришга, курилиши ва юксалишларга қараб, ҳавасинг келади. Утган йили Президентимиз мазкур ҳудудга ташриф чоғида Мўйинокни ободонлашибди. Музей-кўриқхонасига уюштирилган пресс-тур таассуротларидага маҳаллий саёҳларнинг тарихий обидаларира ҳар хил сўзларни ёзib, зарар етказганди, аммо кейин бу ҳолат назоратга олингани ҳақида ёзгандик. Буер ҳам шу сингар “саёҳлар дастҳати”дан холи эмас экан. Мўйинокдаги саҳро кемаларида, Тупроқ-қалъа, Чиллик-қалъа, Миздакхон комплексидаги вакъти аниқлаб берадиган қадимий иншоотларда бўйек ва хатто ўтири тифли нарсалар билан ўйиб, турли ёзувлар колдирилган. Тупроқ-қалъада эса айрим саёҳлар этитиёткорона томоша қилинши керак бўлган деворларнинг устида юрганини кўрдик. Ёдгорликнинг бирон жойида “Бу ердан юрманг, тарихий иншоотга зарар эти-



Ишлар қизғин кетмоқда.

Нукус марказида жойлашган И.Савицкий номидаги музейга таршифимиз чоғида бизга ҳамроҳлик килган гид суратлар, тош ҳайкалар ва бошقا шу ҳақида санъат асарлар билан танишишаркан, ОАВ вакилларидан бири рассом Александр Шевченко мўйинкамлигига мансуб “Челак кўтарган аёл” (“Баба ва вёдрами”) асари жиҳдид зарар кўргани ҳақидаги хабарлар қанчалик асосли эканини сўраб қолди (Бундан олдин турили ОАВ ва ижтимоий тармокларда музейнинг ёнгина қарши тизим кўрилмаси ишлаб кетиб, асарга сув тегиб, бўёғи кўғани ва сурат 60 физ зарар кўрганин маълум килинган эди). Музей директори ва баҳарлар нотиги эканини айтиб, ҳолатни ўз кўзимиз билан кўриб, аниқ маълум олиш учун маҳсус архив хонасига чорлади. Музей раҳбарининг расман маълум қилиншича, асарнинг 9 фойз қисми зарар кўрган ва уни тикала имкони бор. Бу билан ўтган йили расом ва реставратор Надежда Кошкина шуғулланган. Унинг бу йил ҳам шу ишларини давом эттириши кутиялти. Мазкур асарнинг қиймати бир неча юз минг АҚШ долларидан бир ярим миллион долларгача баҳоланиши мумкин.

Хуллас, кайси манзилга бормайлик, ўзгача бир кайфият ва таассуротлар билан кайтдик. Аммо

ши мумкин, махсус белгиланган йўлаклардан юринг! каби огоҳлантирувчи ёзувларга, афуски, кўзимиз тушмади.

Калъа ичидаги ўсиб ётган саксовуллар наҳотки мутасаддилар эътиборни тортмаган? Бу ерга келувчи саёҳларга кузатувчи ҳам, танишишарувчи назоратчи ҳам қўйилмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Чиндан ҳам, Коракалпогистондаги деярли барча шу ҳақида масканлар, саёҳлар энг кўп ташриф бурадиган жойлар нега қаровсиз?

Мазкур ҳолатларга Коракалпогистон Республикаси бўйича маданий мерос объектарини муҳофаза килиш ва улардан фойдаланиш минтақавий давлат инспекцияси раҳбардан изоҳ сўрамоқчи бўлдик, аммо бутун Коракалпогистон бўйича 300 га яқин маданий мерос объектарини муҳофаза килиш ва улардан фойдаланиш ишларига учтагина вакил маъсуллигини билди, индамай қўя қолдик. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўрни сезилмаётганини инкор этолмаймиз, ахир саёҳларни ўзбекистонга чорлаш, уларга қулийлик яратиш учун чора-тадбирларни ушбу қўмита кўриши керак эмасми?! Амма иккича кунлик сафаримиз давомида бирор марта, бирор манзилда қўмита вакилларини учратмадик. Хўш, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Чиллик-қалъа, Аёз-қалъа, Тупроқ-қалъаларга бир кунда нечта чет эллик ва маҳаллий саёҳларни учратдиган билармикин? Ваҳоланки, Аёз-қалъага борганимизда бир соатнинг ичидаги 30 дан зиёд чет эллик саёҳини учратдик. Тупроқ-қалъада ҳам деярли шундай...

Юкорида билдирилган инфокларимиздан тўғри хулоса килиб, келгусида ҳар икки ташкилот ҳамхижатлиқда фаол бўлишларини сўраб қоламиз. Зеро, тарихий юзимиз, келажак башоратчишидир. Уни сақлаб қолиши, келажак авлодларимизга безиён етказиш инсоний бурчимиз саналади.

**Абдуқодир МўМИНОВ,**  
муаллиф олган суратлар

» Цирк

**Ҳам  
томуша,  
ҳам совға**



Ўзбек давлат циркида "Африкадан меҳмонлар" деб номланган янги цирк дастури намойиш этилмоқда.

Пойтахтишимиз ахолиси ва меҳмонлари учун тақдим этилаётган томошалар Рамазон ойида ўзгача анъана билан бойиди. Ушбу хайрли ойда жажжи томошибинларга кўтаринки кайфият бағишила мақсадида, цирк раҳбарияти томонидан ҳар бир томоша дастурида болаларга қимматбаҳо совғалар топширилмоқда.



» Ташаббус ижроси амалда

## "Санъатдан топдим баҳтим"

Президентимиз илгари сурган ташаббуслар асосида Андижон вилояти маданият бошқармаси та-сарруфидаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби жорий йилнинг 1 май куни "Санъатдан топдим баҳтим" деб номланган йиллик ҳисобот концертини намойиш этиди.



Андижон вилояти ҳокимлиги, ота-оналар ва мустасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда ижро этилган кўй-кўшиклир ва рақсларда урғодат ҳамда миллий анъаналаримиз акс эттирилишига алоҳида ёттибор қаратилди.

## "Тенгдошим кўйлагандан"



20 май куни Фарғона вилояти Кувасой шаҳридаги Маданият маркази бадий ҳаваскорлик жамоалари ва ижодий тўғраклари томонидан "Тенгдошим кўйлагандан" деб номланган тарғибот концерти ўтказилди.

Тадбир аввалида бешта мухим ташаббус гоялари кенг ёритиб берилди. Шундан сўнг маданият марказларининг "Кувасой" ашула ва рақс ҳалқ жамоаси, "Кўшчинор" тозиги фольклор-этнографик ҳалқ жамоаси, "Садо" миллий чолгулар ҳалқ жамоаси, "Шодлик" намунали болалар рақс жамоаси, "Юлдузча" рақс тўғраги, "Жозиба" рақс гурухи, "Бойвачча" театр тўғраги катнашчилари ўзларининг кўй-кўшиклири, жозибали рақслари ва саҳна кўринишлари билан томошибинларни хушнуд этиши.

Концертда вилоятдан ташриф буюрган таникли хонандалар, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган сўз устаси Абдураҳмон Сиддиков ҳам иштирок этиб, барчага куш кайфият улашди. Ташриф буюрганларга Маданият марказида фаолият олиб бораётган мавжуд тўғраклар ва янги ташкил этилган ўз курсларига ёшлиарни, хотинизларни кенг жалб қилиш мақсадида, улар ҳакида маълумот берувчи буклетлар, кўлланмалар тарқатилди.

## Лойиҳа давом этмоқда



Бухоро вилояти Когон туманидаги 6-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Шерали Абдуллаев тумандаги ўзи илк бошланғич таълимни олган 5-умумтаълим мактабига 12 та китоб совға қилди ва макtab жамоасига санъат соҳасида кўрсатадиган ҳамкорликлари учун миннатдорчиллик бидориши.

Ушбу адабиётлар ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари бўлиб, макtab кутубхонасини янада бойитди.



## "Кўнглимда беш ташаббус – қўлимда беш имконият"

25 май куни Жиззах вилояти Мирзачўл тумани маданият бошқармаси ва адлия бошқармаси ҳамкорлигидаги "Кўнглимда беш ташаббус – қўлимда беш имконият" шиори остида маданият тадбир ташкил этилди.

Унда филармониянинг вилоят бўлими, намунали мақом ансамбли ҳамда туман бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида концерт ташкиллаштирилди. Концертда вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаби ҳамда Мирзачўл туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабининг иқтидорли ўқувчилари, ўқитувчилари фаол иштирок этиши.

Президентимиз илгари сурган беш мухим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида уюштирилган ушбу тадбир доирасида 230 нафардан ортиқ ёшлар туман маданият марказларида мавжуд мусиқий тўғракларга аъзо бўлишиди.

Президентимиз илгари сурган беш ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида уюштирилган ушбу тадбир доирасида 230 нафардан ортиқ ёшлар туман маданият марказларида мавжуд мусиқий тўғракларга аъзо бўлишиди.

## » Тарихий маскан

## Болажонларни ўз бағрига чорлади


Мамлакатимиз ахолисининг 60 фойздан зиёдини ташкил қилувчи 30 ёшгача бўлган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, тури ёт иллатларга қарши иммунитети ҳам шунча кучли бўлади. Бу борада Президентимиз илгари сурган беш ташаббус айни мудда бўлди.

24 май куни Сурхондарё вилоятининг Ангор туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари учун ҳудуддаги илк ўрта асрлар даврига оид Болалик тепа тарихий ёдгорлигига саёҳат уюштирилди. Бу ерда тарихий маскан ҳакида кенг маълумотлар берилди.

Келгусида ҳам ўқувчиларнинг воҳадаги музейлар ва тарихий обидаларга саёҳати ташкил этилади.

**Б.ТОШҚОБИЛОВ, Ж.НУРФАЙЗИЕВ,**

Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходимлари



» БМСМларида

## Тайёргарлик қизғин

Сурхондарё вилояти Сариосиёт туманидаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактабида айни пайтда 221 нафар ўқувчи 9 та ўйналиш бўйича таълим олиб келмоқда.

Ўтган йилларда мактаб ўқувчилари вилоят ва республикада бир қанча кўрик-танлов, фестивалларда иштирок этиб, яхши натижаларга эришдилар.

Шу йил 3 март куни Термиз шаҳрида бўлиб ўтган болалар мусиқа ва санъат мактаблари ансамблари республика кўрик-танловида мактабнинг "Наво" мақомчилар ансамбли 2-ўринини, 27-28 апрель кунлари ўтказилган "Бойсун баҳори" фольклор фестивалида эса таълим масканнинг мақомчилар ансамбли, "Севинч" болалар фольклор ансамбли ҳамда "Ширин қизчалар" рақс жамоалари фаол қатнашиб 2-ўринни эгаллашди.



## Маком ансамбли санъат мактабида

22 май куни Сурхондарё вилоят мақом ансамбли жамоаси Термиз ихтисослаштирилган санъат мактабига ташриф буюрди.

Дастлаб ансамбл бадий раҳбари 3.Махмадалиев ўқувчиларга мақом ҳакида маълумотлар берди. Шундан сўнг ансамбл жамоасининг концерти намойиш қилинди.

Тадбир доирасида ансамбл раҳбари ёш ижодкорларга 15 дона бадий адабиёт ҳада қилди.

Беш ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида мусиқа ва санъат мактаби жамоаси тумандаги умумтаълим мактаблари, махалла билан биргаликда бир қанча учрашув тадбирлар ўтказмоқда. Айни пайтда болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ўтасида ўтказиладиган "Бармоқлар сеҳри", ёш мақомчилар, "Ёш ижрочи" кўрик-танловларига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.



Концерт

**“Ватан –  
мен учун  
муқаддас”**



ТВ-танлов

## Ёш актёрлар парвози

Ҳафтанинг якшанба кунлари “Zo’r” ТВ канали орқали намойиш этилаётган “Актёр” дастури, айниқса, ёшларимиз орасида алоҳида эътибор, мулҳоза ва муносабатлар, қиёсий таҳлилларга сабаб бўлмоқда.



Кўрсатувнинг навбатдаги мавсумини нафқат республикамиз, балки кўшини давлатлар – Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ёшлири ҳам севиб томоша қилиши. Дастурнинг ижодий лабораторияси Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг театр санъати факультети “Эстрада ва оммавий томошалар санъати” кафедрасининг етакчи профессор-ўқитувчилари – санъатшунослик фанлари номзоди Т.Рашидов, кафедра мудири Ф.Этамбердиев ва ўқитувчи Н.Ахмедоваларнинг фаол ижодий ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Унда институтнинг интилиувчан талабалари билан бирга, санъат ва маданиятнинг турили ўйналишларида фаолият кўрсатаётган иктидорли ёшлар ҳам иштирок этишиди.

26 май куни бўлиб ўтган иккичи мавсум финали ажойиб натижалар билан якунланди. Ушбу шоуга доцент Махмуд Рашидов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Александр Бекжонов, профессор Темур Рашидов, актриса Шахзода Мухамедова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сандар Ҳамроқувловлар ҳакамлик қилиши. Ҳакамлар ҳайъати хусоласалига кўра, биринчи ўрин ва 25 миллион сўм пул мукофоти Шахзод Мъярфовга, иккичи ўрин ва 15 миллион сўм пул мукофоти Темур Тўраевга, учинчи ўрин эса институтнинг З-музиқали театр артиклиги гуруҳида таҳсил олаётган Шахло Алижоновларга насиб этди.

**И.ЖУМАНОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
ёшлар мураббийси

Андижон вилоят қўғирчоқ тегатрида 25 май куни Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилояти бўлинмасининг “Ватан – мен учун муқаддас” деб номланган навбатдаги концерти на мойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва барча куч тизимлари билан

ҳамкорликда “Биргаликда кучлимиз” шиори остидаги “Сержантлар форуми” қатнашчилари, яъни Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидағи Миллий гвардия, Ички шиллар, ҳавфиззик хизмати, божхона, қўриқлаш, фавқулодда вазиятлар бошқармалари ва бўлимларининг офицер, сержант ҳамда аскарлари иштирок этишиди. Шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Т.Парниев, хонандалар – А.Абдулхаев, М.Тожимаматова, У.Абдурасурова, А.Султонов, Н.Каримова, С.Омонов, А.Жамолиддинов, Ҳ.Йўлдошев ҳамда созанда ва раққосаларнинг жюролари томоша бинлар олқишига сазовор бўлди.

Маданият – ҳалқаро алоқалар воситаси



## Дўстликни таърифловчи экспозиция

Хивадаги “Иchan қалъа” давлат музей-қўриқхонасидағи экспозициялар сони яна биттага кўпайди. Янги экспозицияда XIX асрнинг охириларида, аниқроги, 1883 йилда тақдир тақозаси туфайли Хива ҳонлиги ҳудудига келиб, эллик йилдан зиёд истиқомат қилган меннонит немислари ҳаёти акс эттирилган.

Насроний динини ислоҳ қилиш натижасида юзага келган мазҳаб эътиқодига кўра, кўлга курол олиш, урушда қатнашиш, одам ўлдириш, умуман, ёвузлик ғайридини ҳолат, яъни оғир гуноҳ ҳисобланган. Бу таълимотни тан олувчилар эса меннонитлар дейилган.

Ўзаро келишмовчиликлар сабабли улар XIX аср бошларида Украина, сўнгра Россия ҳудудларига кўчиб ўтишган. 1874 йилда рус императорининг барча эркакларни ҳарбий хизматга жал қилиш ҳақидаги фармонидан норози бўлган бу қавмга мансуб аҳоли Туркестон генерал губернатори К.Кауфманнинг кўмаги билан дастлаб Бухоро амирилиги, кейинчалик Амударёнинг бўйлари, ҳозирги Коракалпогистон ҳудудида уердан бу ерга кўчиб, кўп қийинчиликлар кўриб яшашган.

Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II Феруз тақлифи ва ёрдами билан меннонитларга 1883 йили Хива шаҳрининг жануби-шарқида, Оқ мачит қишилодиги ҳудуддан ер ажратиб берилган. Шу тариқа қишлоқда меннонит немисларнинг

катта маҳалласи вужудга келган. Бу ерда европа услубида ўй-жойлар, мактаб ва черков барпо этилган.

Меннонит немислари нафақат дехқончилик, чорвачилик, балки курилиш, жумладан, дурдагорлик, темирчilik каби соҳалардаги тажрибалини, янгиликларни ҳам маҳаллий ҳалқ ҳаётига олиб киришган. Меннонит немисларнинг илгор вакили, ўқитувчи В.Паннер билан дўстлашиб, ундан фотосурат ишлаш сирларини ўрганган хивалик Ҳудойберган Девонов кейинчалик Ўрта Осиёда биринчи фотограф ҳамда кинотасвирчи сифатида машҳур бўлди.

Меннонитлар етакчиларидан Этил Рейсен эса таржимон ва маслаҳатчи сифатида хон саройига яқин кишилардан ҳисобланган. У Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг Санкт-Петербург, Тошкент сафарларида бирга бўлиб, таржимон сифатида хизмат қилган.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, немис миллатига мансуб мутахассис-хунармандлар XIX аср охри, XX аср бошларида Ҳоразмда ёғ-май заводлари, шунингдек, Хивада ёнилги билан ҳаракатланадиган

илк электростанциялар қурилишида ҳам иштирок этишган. Маҳалий хотин-қизларга тикув машиналаридан фойдаланиши ҳам немис аёллари ўргатишган. Собиқ тузум даврида йигитларини Қизил армия сафига чакирив ва колхозлаштиришдан норози бўлган меннонитлар 1937 йилда Хивадан Канада, АҚШ ва башқа мамлакатларга кўчиб кетишиган.

“Иchan қалъа” давлат музей-қўриқхонаси илмий ходимлари томонидан меннонит-немислар ҳаётига оид маълумот ва экспонатларни ўрганиш, тўплаш ишлари бундан анча йиллар илгари бошланган эди. Ушбу музей экспозициясининг фаолият бошлагандан хайрли тадбирлардан бўлди. Чунки у миллатларро ҳамжиҳатлик, тинчлик ва тараққиётнинг пойдевори эканини ифода этиши билан ҳам аҳамиятидир. Буни кўргазмани куттаган барча, жумладан, германиялик саёҳлар мамнуният билан этироф этишмоқда.

**Отабек ИСМОИЛОВ,  
Нилуфар САПАЕВА,  
“Иchan-қалъа” давлат музей-қўриқхонаси илмий ходимлари**

БМСМларидан

## » «Сурхон саболари» – ҳалқаро танловда

Термиз шаҳридан 1-болалар мусика ва санъат мактабининг “Сурхон саболари” рагс жамоаси 22-28 май кунлари Беларусь Республикасида бўлиб ўтган “Золотая плёнка” ҳалқаро кўрик-танловида муваффақиятли иштирок эти.

Максус миллий рагс ўйналиши бўйича ўз чиқишиларини намойиш этган ўкувчилар танловда кичик ёш категорияси бўйича 2-даражали диплом билан тақдирланишиди.



Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва аҳборот  
агентлиги томонидан  
10.04.2018 й. 0803 рақами  
билин давлат  
рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятта келган кўлэзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди.  
Маколада кептирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри  
таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.  
«Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Мухабат Шарифова  
Навбатчи мұхаррір: С.Рихсиеva  
Адади - 9 808 Буюртма - Г - 527

Сотувда келишилган нарҳда  
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоб

Газета “Шарқ” нашрёт-  
матбаа акциядорлик ком-  
панииси босмахонасида  
чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри,  
Буюк Турон кўчаси, 42.  
Босмахона топшириш  
вакти - 19.30  
Топширилди - 19.30  
1 2 3 4 6

## МАДАНИЯТ

ОБУНА ИНДЕКСИ:  
**285**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Маданият  
вазирлиги,  
«Dildosh media» МЧЖ

Бош мұхаррир  
Дилбахор Ҳудойбердиев  
Таҳририят манзили:  
100029, Тошкент шаҳри, Тарас  
Шевченко кўчаси, 1.  
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета хафтанинг пайшанба куни чоп этилади.